КАССАНДРА ТАМҒАСИ ЁКИ ОХИРЗАМОН НИШОНАЛАРИ

Т. Қўйлиев
Тошкент давлат аграр университети доценти

Н. Рахмонбердиева
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти катта ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада дунё бадиий адабиётининг буюк тимсолларидан бири Ч.Айтматовнинг “Кассандра тамғаси” асарида илгари сурилган глобал муаммолар – бутун инсоният тақдирига дахлдор масалалар - атроф муҳит ҳимояси, келажак авлод тақдири, одамларнинг табиат неъматларига муносабати миллий ва умуминсоний муносабатлар уйғунлигида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: А.Крильцов-Филофей, Рим папаси, огоҳлик, эксперимент, оммавий маданият, кассандра-эмбирон, иксзурриёт, атроф муҳит муҳофазаси, экологик муаммолар, космос, орбитал станция, юксак интеллект**.**

CASSANDRA'S BRAND OR SIGNS OF THE END TIMES

T. Kuyliyev
Associate Professor, Tashkent State Agrarian University

N. Rakhmonberdieva
Senior Teacher, Tashkent Irrigation Agricultural Mechanisation Engineers

ABSTRACT

This article analyzes the common human tasks - the protection of the surrounding life, the fate of the future generation, the relationship of man to nature in the prisms of national and universal relations in the literary work "Brand of Cassandra" by the outstanding writer Chingiz Aitmatov.

Keywords: A. Kryltsov-Philophey, Pope, awareness, experiment, popular culture, Cassandra embryo, excursion, environmental protection, environmental problems, space, orbital station, high intelligence.

КИРИШ

XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср биринчи ўн йиллиги бутун дунё бадиий адабиётининг улкан чуққиларидан бири Чингиз Айтматовнинг асарларида илгари сурилган бош ғоя – “табиат-жамият-инсон” уйғунлигини таъминлаш асосида миллий ва умуминсоний муносабатларга ечим топишдан иборат бўлган асар қаҳрамонларининг кураш тархидир. Улуғ адибнинг деярли барча асарларидаги қаҳрамонлар ҳаёти баъзан ўта сокин, баъзан эса ўта шиддатли даражада ривожланиб борганини ҳар бир китобхон юракдан ҳис этади.

Жаҳоний адибнинг асарларида кўтарилган муаммолар дастлабки таржималаридан сўнгги китобларигача ҳамиша зукко ўзбек ўқувчиларининг диққат марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Чунки, ўтган йиллар давомида бўлиб ўтган ва ўтказилаётган тадбирлар буни тасдиқлайди. “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори”да белгилаб берилган вазифалар улуғ адибнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз ўртасидаги асрий дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун янада муҳим аҳамият касб этишини кўрсатиб турибди.

Чингиз Айтматов ҳақидаги берилган маълумотларга қулоқ тутиладиган бўлса, унинг китоблари ЮНЕСКО нинг эътироф этишича XXI аср арафасида 168 мамлакатда 830 марта, жами 672 миллион нусхада чоп этилган. Бугунги кунда эса расмий ва норасмий мамлакатларнинг сони аллақачон 200 га етиб турган бир даврда бу кўрсаткичлар сони янада ортганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Туркий адабиётнинг бошқа бир вакилининг асарлари бундай саноққа ҳозиргача етиб бормаган.

Бундай кўп нусхадаги ўсиш ҳар қандай меҳнаткаш адибни миллий заминдан ажралмаган ҳолда ҳам, бутун инсониятнинг энг илғор ёзувчисига айланиши мумкин эканлигини исботловчи абадий ҳақиқатдир. Шу маънода Чингиз Айтматов дунё халқларини эзгулик ва бахтга чорловчи буюк феномен - ўзига хос такрорланмас адиб сифатида Шарқ ва Ғарб адабиёти мухлислари ўртасида чуқур ҳурмат қозонишига сабаб бўлди.

Бундай муҳаббат унинг дастлабки журналистик мақолаларидан сўнгги роман ва қиссаларидаги образлар ҳаёти севги ва қувонч, қайғу ва алам чексиз инсоний дардлар, оғриқлар – сайёравий тафаккур, умумбашарий онг орқали индивидуал қалб пиризмасидан ўтказилиб ўз ўқувчиларига етказа олинганидадир.

Бугун ҳам, кеча ҳам инсоният фарзандлари дуч келаётган муаммолар борган сари кенгайиб ва чуқурлашиб уни боши берк кўчалар сари тизгинсиз етаклаб бормоқда. Айниқса, мағрур жарангловчи инсон деган номга ва инсон ҳаётига доғ бўлиб тушаётган кўпдан-кўп салбий иллатлар, миллатлар генофондига таъсир этаётган турли тиббий касалликлар ҳамда атроф муҳит муҳофазаси ва экологик муаммолар, илмий техник тараққиётнинг ижтимоий оқибатларини бартараф этишда инсониятни қандай куч борган сари ўзи билиб билмасдан яқинлашиб қолаётган ҳалокатидан асраб қола олади. Хуш бундай шароитда Инсон қандай йўл танлаши керак?

Маълумки, инсон фалсафий тил билан айтганда бутун моҳияти билан ўзида ҳам ижтимоий, ҳам табиий (биологик) омилларни мужассам этган буюк хилқатдир. Шу жихатдан уни турли касб эгалари ўзлариниг ҳаётий тажрибалари ва интеллектуал салоҳиятларидан келиб чиққан ҳолда баҳолаганлар. Агар унга бадиий тафаккур ҳам келиб қўшиладиган бўлса, унинг кўлами янада кенгаяди ва чуқурлашуви табиий ҳолдир.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Буюк адиб Чингиз Айтматовнинг барча катта ва кичик асарлари етук ўзбек таржимонлари орқали аллақачон ўз ўқувчиларига етиб борган. Забардаст танқидчи, зукко олим И. Ғофуров ўз вақтида ”Айтматов асарлари XX аср дунё китобхонини тарбиялаб келяпти. У миллий орбитадан туриб умумжаҳон орбитасига кўтарилаолган ва ҳар бир асарини шу орбитадан туриб ёзолган санъаткор”,- деб ёзган бўлса, яна бир олим, таниқли журналист А. Мелибоев “Адибнинг бадиий тафаккури “Эверест” чўққиси, умумсайёравий миқёсдаги тафаккур тимсоли”- деб баҳо беради.

“Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон”(2018) номли Хотира китобида 40 дан ортиқ таниыли шоир ва ёзувчилар, филолог, файласуф, сиёсатшунос ва хуқуқшунос ҳамда бошқа мутахассисларнинг адиб ҳақидаги дил сўзлари ва асарларининг ўзига хос талқинлари ифодасини топган.

Юқорида зикир этилган китоблардан ташқари, Илхом Ғаниев ва Рустам Ибрагимовларнинг “Чингиз Айматов ва XXI аср” (2013), Ахмаджон Мелибоевнинг ”Чингиз Айтматов: Давр. Инсон. Ҳақиқат”(2018), Сайди Умировнинг “Чингиз Айтматов–публицист ва мунаққид”(2018). Асил Рашидовнинг кўплаб автобиографик ва танқидий таҳлил меваси бўлган ўнлаб номдаги мақолалари ҳамда рисолаларини келтириш мумкин.

Шунингдек рус тилидаги “Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. Автор проекта и составитель Т.М. Курбанов. (2008) ҳамда

ёзувчининг ўзи ва машҳур қазоқ шоири ва сиёсатчи Мухтор Шохоновларнинг (1998 ва 2019) нашр этилган автобиографик характерга эга бўлган “Чўққида қолган овчининг оҳи зори. Аср адоғида айтилган истиғфор” яна бошқа кўплаб тадқиқотчларнинг номларни келтириш мумкин. Уларнинг ҳар бирлари буюк сўз устасининг ўзлари билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалар негизида адиб ижодига баҳо берадилар.

Ёзувчининг бетакрор фалсафий тафаккури, айни пайтда жозибадор бадиий услуби натижасида унинг барча асарларидаги ижтимоий муаммолар ҳақида кўплаб ижобий фикирлар билдирилган. Жумладан, таниқли журналист, сиёсатшунос-файласуф Н. Жўраев “миллий тафаккур, миллий турмуш тарзи, анъаналар, қадриятлар ва руҳий олам орқали инсон қалбининг энг нозик, ҳамма ҳам илғай олмайдиган, илғаган тақдирда ҳам мукаммал ифода этиб беролмайдиган жиҳатларини кашф этиб, уни умуминсоний қадриятлар даражасига олиб чиқди” - деб ёзади.

Нафақат асар нашр этилган дастлабки кунларда балки бугун ҳам кўплаб баҳс ва мунозораларга - сабаб бўлган асарларидан бири “Кассандра тамғаси”дир. Кўпчилик янги асарни Айматов фалсафий қарашларининг улкан чўққиси деб баҳолади, кимлардир эса уни қабул қила олмади ва рад этди. Таниқли журналист Аҳмаджон Мелибоевнинг ёзиши буйича В.Бондаренко исмли муаллиф “Наш современник” журналида босилган “Насл-насабини билмаган Чингиз” номли мақоласида ёзувчини миллий адабиёт, халқ манфаатларига нисбатан сотқинликда, бу ҳам етмаганидек, кўчирмачиликда, манқуртликда айблайди. Бадиийликдан йироқ, ҳеч кимга кераги йўқ, адиб хаёлига келиб қолган ва тутруқсиз услубда битилган алмойи-алжойи гаплар йиғиндиси, дейишгача бориб етади.

Кескин, бирёқлама баҳо ва айни чоқда бадиий тафаккурнинг юксак намунаси деб баҳоланган асар бунчалик диққат-марказда бўлишининг кўплаб сабаблари мавжуд. Бунинг учун энг аввало асар ёзилган конкрет вақт ва ҳукмбардор коммунистик мафкура якка ҳукумронлиги билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий вазият, миллатлар тенглги аммо бир миллат вакилларига берилган шовенистик имтиёзлар ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ҳолатларни ҳам, албатта, эътиборга олиш лозим.

Шубҳасиз бу роман гарчи фантастик воқелик асосида тўқима образлар орқали бадиий тафаккур кучи билан яратилган кўплаб Ч. Айтматов асарлари орасида ўзига хос ўринга эга. Этроф этайлик, илмий техник тараққиётнинг пириворд натижаси улароқ бугун чексиз самода ойлаб ва йиллаб учиб юрган орбитал станцияларда фаолият олиб бораётган космонавтлар вақти келиб турли

субъектив сабаблар орқали келгусида асар қаҳромони Филофей сингари ерга қайтишдан бош тортиб қолишлари мумкин эмасми? Яқиндагина собиқ Иттифоқ мафкураси билан келиша олмай имкон бўлиши билан турли сабаблар билан чет элларга чиқиб, сўнгра ўз юртига қайтмай, борган давлатларидан сиёсий бошпана сураган қанчадан-қанча фуқаролар бўлгани сир эмас. Аслида Филофей образи орқали ёзувчи ўзи яшаган бутун бир тузум иллатларини аёвсиз ва шафқатсиз танқид қилиб, улуғланган ва шарафланган тизимга маломат тошларини ёғдиради, тавба-тазарру орқали кечикиб бўлса ҳам ўз муносабатларини билдиради.

Космонавт Филофей образи нафақат кишилик ҳаётини, бутун борлиқни ўзгартирувчи ва айни пайтда ҳар бир инсоннинг ўзи ҳақида ўйлашига, ўзининг кимлгини, қанақа одамлигини, нималарга қодирлигини ўйлаб кўришига, англашига, ўзига ўзи баҳо бера олиши каби ички маънавий қудратга, руҳий иродага эга бўлишга даъват этадиган афсонавий, илмий тилда айтадиган бўлсак фантастик воқелик асосида яратилган бадиий образдир..

Бундай айбловларни бир четга суриб, асарни ўзига қайтадиган бўлсак, маълумки, унинг воқеалари бир неча кун ичида содир бўлади. Американинг “Трибюн” газетасида ўзини “само роҳиби” деб атаётган рус олими Филофейнинг Рим папасига мактуби эълон қилинади, бутун жаҳон оёққа туради, одамлар жунбушга келадилар.

Ёзувчининг бошқа асарларида бўлгани каби бу асарда ҳам катта бадиий маҳорат фантастика билан реализмни уйғунлаштирган. Аччиқ ҳақиқат, қисмат шундан иборатки, Андрей Крильцов ерда ўз ҳақиқатларига одамларни эргаштираолмагач, самовий роҳиб– Филофей бўлиб эксперимент ва ғояларни ердагиларга тушунтириш учун Рим папасига очиқ хат ёзади. Одамлар олис фазодан туриб ердаги ҳаёт, одамлар, авлодлар, зурриётлар тақдирига аралашётган кимсани лаънатлайдилар. Филофейни ерда туриб қўллаб-қувватлаган америкалик футуролог олим Роберт Борк оломон томонидан шафқатсизларча ўлдирилади. Ҳолбуки, Гарвад университети алломасининг бутун умри анашу экзурриёт муаммосининг мағзини чақишга қаратилган эди.

Филофей ким, унинг Рим папасига мактуби нима ҳақда эди. Мактубдан англашиладики, уни бир вақтлар ўз туққан онаси (отасининг кимлиги номаълум) аёзли қиш кунларидан бирида болалар уйи эшигига ташлаб кетади. “Ўшанда, эслайди – Филофей, - қалин қор эди. Мен эса ўша субҳи содиқ пайтини эс-эс биламан, десам, ҳеч ким ишонмайди, албатта. Лекин мен тўғрисини гапираман. Ўшанда қулоғимга онамнинг қадамлари остида қорнинг ғарч-ғурч овози эшитилган. Ёдимда, онам ўша қиш куни, каллайи саҳарда шоша-пиша қадам

ташлар эди. Эсимда, у безовталаниб мени бағрига босар, дам-бадам сесканиб чўчиб тушар эди, онам юрагининг қўрқинч аралаш гупиллаб урганини менинг нораста танам сезар эди...".

Андрей Крильцов ўқишни битиради, билимини қунт билан оширади ва ўз устида тинимсиз ишлаб иқтидорли биолог олим бўлиб етишади. Фанда кутилмаган кашфиётлар қилади. "Ҳа, менинг омадим чопди, - дейди у ўз мактубида, - бу соҳада манфаатдор ташкилотларнинг ёрдами ҳам чакки бўлмади, лекин бу ҳақда алоҳида гапирамиз, мен бўлсам, муваффақиятлардан илҳомланганимдан, шиддат билан куч тўплаган қавоқ арига ўхшаб, фан пайкали устида парвоз қилар эдим: мен кашфиётдан кашфиётга учиб, олдинлари ҳеч кимга маълум бўлмаган фикр-ғоялар шавқинидан гангиб юрар, анашу соҳада абадийлик сир-асрорининг муаллифи – Оллоҳ таолонинг ўзини ҳам орқада қолдиришга тайёр эдим. Мен илмий экспериментлар доирасида бўлса-да, ота оналар хоҳлашадими- йўқми, кимнинг ёруғ дунёга келишини, қандай туғилиши, қандай ота-оналардан туғилишини шахсан ўзим ҳал қилар эдим, уларнинг уруғларидан нима ярата олишимни билишса эди..." (222-223 - бетлар).

Кибир, манманлик, шайтоний васваса. Ва ниҳоят ўзи эътроф этганидек Оллоҳни ҳам орқада қолдиришга қандайдир ички ишонч, уни бошлаб қўйган йўлидан ҳеч қандай куч тўхтата олмас эди.

А.Крильцов илмий изланишлар борасида ақл бовар қилмайдиган даражага етишади, чорва молларини сунъий қочиришга ўхшаш, сунъий уруғлантириш йўли билан ота оналари, насл-насаби номаълум одамларни яратиш мумкинлигини исботлайди.

"Ҳар қандай жиноят, ахлоқсиз хатти-ҳаракат ирсият ўтлоқларида қайта униб чиқиш фаслини кутиб ётади. Охир-оқибат, аслидан кўра юз чандон, минг чандон ёвуз, тажавузкор куч юзага келади ва унга гуноҳкор ҳам, гуноҳсиз ҳам дучор бўлади..." Чингиз Айтматовнинг "Кассандра тамғаси" асаридан англашиладиган асосий маъно – шу. "Мураккаб дунёвий фожеаларни,-деб ёзади О.Ёқубов асар сўзбошисида,-буюк қаламкашнинг сезгир қалби ҳатто башоратчи футуролог олимлардан ҳам олдин пайқади" (3 - бет). Таъкидлаш лозимки, мутафаккирлар даврнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ҳолатини чуқур билиб, анализ қилганлари боис кўп воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра билганлар.

МУҲОКАМА

О. Ёқубов таъкидлаганидек, "Роман воқеаси ўта шиддатли психологик можаролар ва тўқнашувлар заминига қурилган. Ер курраси ахлоқий муаммолар

синаб кўриладиган полигонга айланган. Инсоният ҳалокат ёқасига бориб қолган. Бу ҳалокат ташқаридан келган эмас, балки бани одамнинг хатти-ҳаракатлари, мунофиқлиги, худбинлиги, ахлоқсизлиги оқибатида юзага келгандир. Дунё бедаво дардга чалинган, агар инсоният ижтимоий хасталиклардан фориғ бўлмас экан, интиқом муқаррардир". (4 - бет).

Агар романнинг ижтимоий табиатига жиддий эътибор берадиган бўлсак, унда технократ замоннинг фожеалари, асорат ва иллатлари, қавм, миллат, жамият, тузум ва сиёсатларнинг таназзули синтезлашган. Таҳлилчилар тўғри таъкидлашганидек, бу роман фанлар чорраҳасида яратилган. Унда тарих ва социология, сиёсатшунослик ва футурология, психология ва генетика, биология ва социология, зоология ва ихтиология, география ва астрономия каби ўнлаб фанларнинг энг сўнгги ютуқлари бадиий синтез қилинган. Бу романни тушуниш ва ҳис қилиш учун ўқувчидан юксак интеллект талаб қилинади.

Юқорида таъкидлаганимиздек романнинг бош қаҳромони Андрей Крильцов – фашизмга қарши уруш йилларида етимхона эшиги олдида қолдириб кетилган ташландиқ бола. Етимхонада чақалоққа Андрей Андреевич Крильцов деб ном беришади. Она ва ота меҳрини кўрмай етимхонада ўсган. У Руза шаҳрининг чеккасидаги Малеевка қишлоғидаги 157- болалар уйида тарбияланади. Музика ўқитувчиси ва маъмур Вава холанинг нимагадир сирли ишоралари ва талант, истеъдодига бўлган ишончни шакллантириши эҳтимол унинг бундан кейинги ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборган бўлиши мумкин.

Медицина институтида ўқиб юрган кезлари унинг хаёлини ҳомиладорлик мўъжизаси ва одамнинг дунёга келиш сир-асрорлари қизиқтиради ва у генетика бўйича олим, академик, катта бир илмий даргоҳнинг раҳбари бўлиб етишади. У узоқ йиллар давомида ўтказган тажрибалари якунида маҳкума аёллар қорнида ота-она, қариндошнинг тайини йўқ иксзурриёт етиштиради. Бундай манқуртларни етиштириш собиқ комфирқа эътиборини тортади. КПСС МКнинг мафкуравий масалалар ва халқаро коммунистик ҳаракат бўйича секретари Вадим Конюхов билан бўлиб ўтган суҳбатда бунарса янада ойдинлашади: "Иксзурриёт ўз умрини ўтаган эски дунёни келажакда қўпориб ташлаш баробарида янги дунёни бунёд этажак,"- дейди у ишонч билан (237- бет).

Аёли Евгения эрининг бу мудҳиш кашфиётига қарши. Маҳкума Руна билан бўлиб ўтган қисқа суҳбат уни узил кесил ердаги ҳаётдан умидини сундиради. Чунки маҳкума аёл исён сифатида ўзини сувга ғарқ этади. Ёлғиз қолган Андрей Крильцов ўзини фазовий роҳиб деб эълон қилиб, Филофей лақаби билан космосга чиқиб кетади. Самода Филофей эксперимент ва ғоялари билан параллел ҳолда ерда Роберт Берк саргузаштлари, яъни сайловда қандай қилиб

оммани ишонтириш муаммоси берилган. Бу билан Ч. Айтматов табиат ва жамият қонунларини қиёслайди. Табиат, генетика қонунлари бузилган ерда, жамиятда фожиа, таназзул содир бўлади. Чунки азалдан табиат ўз ишини билиб қилади. Самовий роҳибнинг Рим папасига хати бу – бутун инсониятга мурожаат, улуғ хавфдан огоҳлантириш ҳам.

НАТИЖАЛАР

Романнинг марказий ғояси иккинчи бобнинг “Рим папасига” деб номланган қисмиида XX асрнинг бутун ижтимоий сиёсий, иқтисодий, фанний, социал муаммолари сифатида бадиий ва фалсафий акс эттирилган. Андрей Крильцов – Филофей ўз тажрибаларининг ахлоқий, тарихий нуқтаи назардан зарарли эканини билади: “Мен шунга амин бўлдимки, инсон ҳомиласи она қорнидаги ривожининг биринчи ҳафталарида ўзининг келажаг ҳаёти қандай кечишини ички ҳис билан сезиш ва тақдири азалга ўз муносабатини билдириш имкониятига эга бўлар экан. Агар эмбрионнинг қисмати келажак ҳаётда ёмон кечадиган бўлса, ҳомила ўзининг ёруғ дунёга келишига қаршилик қилар экан.

Мен эмбрионда шундай сигнал-нишон топдимки, эмбрион туғилишга салбий муносабатда бўлса ўзидан нишон, яъни сигнал беради. Бу сигнал туғилишни хоҳламайдиган болага ҳомиладор аёлнинг пешонасида кичкинагина рангли доғ шаклида кўринади. Мен бу доғни Кассандра тамғаси деб, кўнгилсиз сигналлар бериб турадиган ҳомилани кассандра-эмбирон деб атадим” (26- бет).

Филофей самодан туриб Рим папаси орқали ҳамма қитъаларга мурожаат қиларкан, ўз ғоя-экспериментларини келажак учун энг зарур, эртага содир бўлажак фожиаларнинг олдини ақл-идрок билан олиш деб ҳисоблайди. У ўз ғояларига тарихий мисол ва асос ҳам топади. Рим папасининг шахси ва обрўйига эҳтиром билдириб, “шунинг учун ҳам мурожаат этаяпманки, Сизнинг шахсингиз Ер куррасида яшайдиган жуда кўп сонли кишиларнинг ахлоқий имон-эътиқодлари ва маънавий қадриятларини ўзида мужассамлаштиргандир”, (28 - бет)деркан, ўта усталик билан ўз кашфиёини ерликларга сингдирмоқчи бўлади.

У кассандра-эмбрионлар берган ахборотни шундай ифодалайди: “Эрк менда бўлса, мен туғилмасликни афзал кўрган бўлур эдим. Сиз юборган сўроқларга сигналлар жўнатяпман, сиз бу сигналларни ўқисангиз, келажакка мени ва бинобарин, менинг қариндош-уруғларимни аччиқ тақдир, шўрпешоналик кутаётганини билиб оласиз ” (27-бет).

Филофей ўз мурожаатида туғилажак болани келгусида нималар кутажаги она қорнида бир ҳафталик бўлганида аёнлашади дейди: “Эндигина ҳомила шаклини олган инсон боласининг қисмати келажакда дунёда уни пойлаб турган

азоб-уқубатлар – нажотсиз қашоқлик ва касалликлар, зўравонлик, иллатлар ва хўрликлар исканжасига тушажак” (30-бет).

Яна,“Кассандра тамғаси– дунёнинг охир бўлиши яқинлашаётганини она қорнидаёқ бутун борлиғи билан ва умидсизланиш ҳисси ила кутаётган охирзамон ҳомиласининг кадр орти овозидир. Бу эса ҳомилада яшашга табиий интилиш ҳиссини сўндиради.

Эндиликда шу кунларда индустриялашиб бўлган жамият шароитида бундай ҳолатни дунёдан яшириб бўлармиди? Йўқ, албатта, бундай яшириш инсониятга қарши, ўз-ўзларимизга қарши, жиноят бўлур эди” (33-34- бетлар).

Филофейнинг хати шу қадар илмий, мантиқлики, уни унча-бунча одам инкор этолмайди. У ҳар бир даъвосига ердан, одамзод қилмишидан мисол, асос келтиради ва уларни шундай таърифлайди:

“бирон киши томонидан қилинган ёвузлик,- дейди у, - шу кишининг жисмоний йўқолиши билан, ҳаёти сўниши билан тугамайди, балки генетек ўрмонда азалий уруғ шаклида сақланиб қолиб, эҳтимол бўлмиш соатни кутади ва белгиланган вақтда портлайдиган минага ўхшаб ўзини намоён қилади” (35-бет). Бу – инкор қилиб бўлмайдиган, генетика ва психоанализ, тарих исботлаб берган аччиқ ҳақиқат. Кўчма маънода эмас, балки чин маънода чекланган Совет қўшинларининг Афғонистонда олиб борган харакатлари тўғрисида сўзлайди.

Филофей ер юзида пайдо бўлган ижтимоий кескир муаммоларнинг асосини, илдизини инсоннинг ўз ичидан, эҳмоли бади, шухрат ва ҳокимятга интилиш инстинктидан излайди.

Ҳақиқатан ҳам, Филофейнинг изтироблари бугунги XXI асрда яшаётган интелектуал шахснинг энг биринчи муаммосидир: “Буларнинг ҳаммасининг манбаи қаерда? Булар ғорда тириклайин кўмилганларга ўт қўйган ибтидоий одамларданмикин ёки бўғиб ўлдираётганда қурбонининг қийноқларидан шаҳвоний лаззатланадиган васвасаларданмикан, минг йиллар давомида жаҳолат ва шафқатсизликларнинг иблисона жаҳаннамидан ўтган қанча-қанча золиму бераҳмлардан келиб чиқадимикин; ва азалдан давом этиб келаётган анашу узундан-узоқ рўйхатда жаллод хоннинг ёнида жаллодлик қилганларни ёки ўз тажрибаси билан бизга таниш бўлган, партия галалари орасида мутаассиб ғазобнок жарчиларни, балконлар ва минбарлардан туриб бор вужуди билан томоғини йиртиб-қичқириб, инқилоб ва уруш оловини ёққан, жон-жаҳди билан ҳокимятга ёпишиб каттароқ амалга минган сари қутуриб қаҳр-ғазабга тўлган раҳбарларни эсламай бўлармиди?” (36-бет).

Шу тариқа Филофей кассандра тамғаси устида бутун бир системавий тажрибалар ўтказади. Ер юзида бўлиб турган ижтимоий, иқтисодий фожиалар

кўламининг кенглиги, мусибатларнинг чеки кўринмаслиги учун она қорнида эмбрион шаклида бўлган бола туғилишни истамайди деган ғояни исботлашга уринади.

ХУЛОСА

Мактуб сўнггида Андрей Крильцов – Филофей 15 га яқин бугун ҳам инсоният ҳаётига хавф солиб турган умумбашарий муаммоларга диққатимизни қаратади ва шундай дейди:

“Буларнинг ҳаммаси одамлар дастидан. Одамзоднинг бошига тушаётган мусибатлар авлоддан-авлодга ортиб бормоқда. Ва буларнинг ҳаммасида барчамиз иштирокчимиз. Мана ниҳоят, Илоҳ бизни жаҳаннам лабида тўхтатиб, кассандра тамғаси орқали ўзи ҳақида нишон бермоқда...”.

Филофей шахсий ҳаётидан айрилган, сўққабош, аслан ташландиқ, меҳрсиз ўсгани боис ҳам оламга роботдек муносабатда бўлади. Унинг Рим папасига ёзган хатидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий, социал муаммолар ер юзида мавжуд ҳамда келажакка тайин хавф солиб турибди. Бу ҳақиқатни сайрамиздаги бирор зот инкор эта олмайди. Аммо муаммонинг ечими инсоний эмас, манқуртона, роботона. Отаси ва онаси, қавм-қариндоши, дини ва миллатининг тайини йўқ иксзурриёт билан бу фожиаларнинг олдини олиб бўлмайди.

Ч.Айтматов айтмоқчи, дунё шундай танг, мураккаб, хатарли аҳволга келиб қолганки, фидойи, жасоратли, иймон-эътиқодли, ҳалол ва меҳнаткаш инсонлар қанча уринмасин, кўргулик ва иллатлар кун, соат, лаҳза сайин кўпайиб бормоқда.

Ер юзида одамзод шу даражада қутуриб, давр технократлашиб кетдики, инсон энди ер ости, сувлик ва космосни ҳам ўз ҳолига қўймоқчи эмас. Бу ҳодиса “Кассандра тамғаси” романида ўзини қирғоққа уриб, ҳалок қилган китлар галаси мисолида санъаткорона тасвирланган. Китларнинг ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиши ер юзида яшаб виждонсизлашаётган, доллархудолик қилаётган, табиат қонунларини назар писанд қилмаётган, ахлоқсизликни учига чиқарган нафс бандаларига қарши исён, улуғ хавфдан огоҳликдир.

REFERENCES

1. “Буюк адиб ва жамоат арбоби Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори”. 2018 йил, 2 апрель.
2. О. Ёқубов. Чингиз Айматовнинг фалсафий башоратлари. // Чингиз Айтматов. Охирзамон нишоналари. – Т, 2007. 3– бет.

3. Илхом Ғаниев, Рустам Ибрагимов. Чингиз Айтматов ва XXI аср. Т, “Akademnasr”. 2013.
4. Ахмаджон Мелибоев. Чингиз Айтматов: Давр. Инсон. Ҳақиқат. Т: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа- ижодий уйи, 2018,159 - бет.
5. Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. Автор проекта и составитель Т.М. Курбанов. Ташкент, “NOSIR” 2008.
6. Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи зори.” Zabajad Media”. Тошкент, 2019. 282 - бет.